

ТУНГИ ЭНУРЕЗЛИ БОЛАЛАРДА АНАМНЕСТИК - НАСЛИЙ МОЙИЛЛИК УЧРАШ КҮРСАТКИЧИ

Салихова Саодатхон Мухамадхановна

PhD, ALFRAGANUS UNIVERSITY,

Тошкент Педиатрик Тиббиёт Институти



Муаммонинг долзарблиги. Тунги энурез – 5 ёш ва ундан катта болаларда органик патологияларсиз уйқу вақтида эҳтиёrsиз сийдик тута олмаслиkdir. Ўғил болаларда қиз болаларга нисбатан тунги энурез 1,5-2 маротаба кўпроқ қайд қилинади. Боланинг иккала ота-онасида, анамнезида тунги энурез ҳолатлари қайд қилинган бўлса, боланинг жинсидан қатъий назар учраш эҳтимоллиги 70% ни, агар анамнезида, ота-онанинг бирида қайд қилинган бўлса эҳтимоллик 40% ни ташкил қиласди

Иzlaniш мақсади: “Тунги энурез” ташҳисли, 7 ёшдан 15 ёшгача бўлган болаларнинг ота-онаси анамнезида “Тунги энурез” ҳолатлари учраганлигини аниқлаш.

Материал ва методлар: Жами 29 та бола изланишга жалб қилиниб, уларнинг ўртacha ёши $9,5 \pm 2,7$ ёшни ташкил қилди. Улардан ўғил болалар 16 тани (55,2%) ва қиз болалар 13 тани (44,8%) ташкил қилди. Бу болаларда “Энурезли кунлар”, “Қуруқ тунлар”, иккала ва ҳар бир ота-онасининг анамнезида энурез қайд қилинганлиги сурор асосида аниқланди.

Тадқиқот натижалари: “Энурезли кунлар” ҳафтанинг кун миқиёсида ўртacha $6,5 \pm 1,8$ кунни ташкил қилди. Бу “Энурезли кунлар” да тундаги сийдик ажralиш частотаси 1 дан 3 гача бўлиб, ўртacha $1,7 \pm 0,9$ ни ташкил қилди. “Қуруқ тунлар” эса $0,7 \pm 0,09$ кунни ташкил қилди. Ота-она анамнезида энурез мавжудлиги сурор асосидаги таҳлил натижалари шуни кўрсатдиги, изланишга жалб қилинган болаларнинг 12 тасида (41,4%) иккала ота-онанинг болалик даврида тунги энурез ҳолатлари қайд қилинган. Изланишга жалб қилинган болаларнинг 8 тасида (27,6%) ота-оналарнинг бирида болалик даврида тунги энурез кузатилган. Колган 9 болада (31%) ота-она тарафидан

анамнестик маълумотлар асосида тунги энурез ҳолатлари аниқланмаган. Изланишга жалб қилинган болаларнинг 69% (20 та) да ота-она тарафидан наслий мойиллик мавжудлиги кузатилиб, фақатгини 31% да бу наслий мойиллик аниқланмади.

Хулоса. Шундай қилиб, болаларда тунги энурез кузатилишида наслий мойиллик муҳим аҳамият касб этиб, унинг даражаси ота-оналарнинг бирида ёки иккаласида учраши билан ортади. Бу эса ўз навбатида келажакда бу ҳолатни олдини олиш ва даволаш жараёни муддати борасида катта аҳамият касб этади.